

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 211 (10.516)

2005 ЙИЛ 26 ОКТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **КЕЧА** «Соғломлаштириш» миллий марказида «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши, Успенский номидаги мусиқа мактаби ҳамкорликларида имконияти чекланган болалар тарбияланаётган мактаб-интернатлар ўртасида уюштирилган кўрик-танлов «Мен ҳеч кимдан кам эмасман» деб номланди.

● **КЕЧА** «Роҳат» маҳалласида «Тил — миллат фаҳри» мавзусида ўтказилган тadbир «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** «Лочира нон» масъулияти чекланган жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Терроризм - тараққиёт кушандаси» мавзусига бағишланди.

● **КЕЧА** Тошкент Аxbорот технологиялари университетида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Юнусобод туман босқичи бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Учтепа туманидаги 287-мактаб ҳамда «Ором» мажмуасида «Хуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўналиши бўйлаб кетаётган тарғибот поезд» лойиҳаси бўйича «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган тadbирда фаол ёшлар иштирок этишди.

● **КЕЧА** «Камолот» ЕИХ Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий банки спорт мажмуида Тошкент мелиорация ва сув ҳўжалиги коллежи ҳамда Интер Хаус-Тошкент лицейи жомалари ўртасида мини-футбол мусобақалари ўтказилди.

● **КЕЧА** Сергели туманидаги 284-мактабда ўтказилган ўқув семинарида «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилотларининг етакчилари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми, Бадиий академия академиги Қутлуг Башаров асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати
ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

Маълумки, бугунги кунда чет давлатлар билан кўплаб янги қўшма корхоналар тузилмоқда. Албатта, икки томон сармояси эвазига бунёдга келган бундай корхоналарнинг келгуси ривожини сармоя билан бирга ходимларнинг изланиши ва иш юртишига ҳам боғлиқ.

ЗАМОНАВИЙ ҲИСОБЛАГИЧЛАР ЧИҚАРИЛМОҚДА

Замон талабидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бораётган «Elektron-xisoblagich» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ҳам ана шу таъминотлар асосида фаолият юритаётган корхоналардан саналади. Электрон электр энергияси ҳисоблагичларини ишлаб чиқаришга хитослашган ушбу қўшма корхонада айни дамда электр энергиясини ҳисоблаш ва назорат қилишнинг замонавий тизимлари устида иш олиб борилмоқда. Корхонада тайёрланаётган ушбу замонавий ҳисоблагичларда интерфейс ва микрочиплар бўлгани боис энг янги рақамли технологиялар асосида қурилган энергиянинг автоматлаштирилган тизимларида ундан бемалол фойдаланиш мумкин.

Орзуғул РУСТАМОВА.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона фаолиятдан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.



«FORTUNE» САҲИФАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

Жаҳоннинг 140 дан ортик мамлакатидида чоп этиладиган «Fortune» журнали ишбилармонлик соҳасига ихтисослашган нуфузли нашрлардан бири ҳисобланади. Унинг Интернетдаги саҳифасини ҳар ойда 14 миллион нафардан ортик мухлис кўздан кечиради. Нашр ўқувчиларининг асосий қисмини турли мамлакатларда фаолият кўрсатадиган етакчи ишбилармон ва менежерлар доираси ташкил этади.

Яқинда «Fortune» саҳифаларида «Ўзбекистон: сармоя имкониятлари - 2005» руқни остида мақолалар туркуми чоп этилди. Журналнинг Британия бўлими ҳамда «International Press Services Group» халқаро медиа-компанияси Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси кўмагида тайёрлаган ушбу туркумда мустакил ривожланишнинг 14 йили мобайнида мамлакатимизда қўлга киритилган улкан ўзгариш ва муваффақиятлар қаламга олинган. Уларда Ўзбекистон иқтисодиётининг нефть ва газ ҳамда тоғ-кон саноати, тўқимачилик ва бошқа соҳаларидаги катта салоҳияти ва кенг имкониятлари ҳақида атрафлича ҳикоя қилинган. Шунингдек, нашрда мамлакатимиздаги йирик миллий ҳолдинг ва компаниялар раҳбарларининг эксклюзив интервьюлари ҳам кўп сонли ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

«Fortune» журнали катта муҳаррири Деклан Харнеттнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон: сармоя имкониятлари - 2005» медиа лойиҳасининг

чоп этилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти ва унинг дунёга очкилигини кўрсатиб бериш йўлидаги энг муҳим чиқишлардан бири бўлди.

— Ўзбекистонда хорижий сармояларни олиб кириш ҳамда тadbиркорлик фаолиятини юритиш учун жуда қулай муҳит яратилган, - дейди «International Press Services Group» компанияси директори Корин Катлер. — Биз материалларимиз орқали Марказий Осиёдаги энг муҳим давлат саналувчи Ўзбекистон бозорининг жозибadorлигини жаҳон ҳамжамиятига кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.

Таъкидлаш жоизки, нуфузли журналдаги мазкур чиқиш халқаро ишбилармон доираларда ўз ақсодосини берди. Хусусан, руқни қайта ишлашга ихтисослашган «Carso International» ҳамда Британиянинг нефть ва газ соҳасида фаолият юритувчи «Euroasian Energy» компанияси Ўзбекистондаги шериклари билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйишга қизиқиш билдирди.

«Жаҳон» АА

XXI саҳоси

Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан Бухоро шаҳрида «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотлари: адвокатура тизимининг ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар ташкил этилди.

● Фарғонада хотин-қизлар фаолиятини ошириш, шаҳар ва туманларда уларнинг фаолиятини жонлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Кеча Халқ демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши ўтказилди.

● Кеча Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Цемент саноати ва бозор» мавзусида бешинчи халқаро Марказий Осиё конференцияси ўз ишини бошлади.

● Кеча Темирийлар тарихи Давлат музейида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида «Миллий кадрлар, ёшлар ва демократия» мавзусида анжуман ўтказилди.

● Мамлакатимизда фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар фермер ҳўжалиқларига айлантирилмоқда. Ҳозирда республикада 116 мингдан ортик фермер ҳўжалиқлари ташкил этилган бўлиб, уларга 3,5 миллион гектар ер узок муддатли ижарага берилган.

Жаҳонда

● Польшада Президент сайловлари учун овозларни ҳисоблаш ишлари якунланди. Дастлабки маълумотларга кўра, Лех Качинский 54,47 фоиз, рақиби Дональд Туск эса 45,53 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлишди. Амалдаги Президент Квасневскийнинг ваколат муддати шу йилнинг 23 декабрида тугайди.

● Осиё Тараққиёт банки ягона Осиё валютасини ҳорий этишни режалаштирмоқда. Мазкур лойиҳада Япония, Хитой, Жанубий Корея ҳамда АСЕАН ташкилотига аъзо 10 та давлат қатнашади.

● АКШнинг Флорида штатида етиб келган «Вильма» тўфони соатида 200 километр тезликда ҳаракатланмоқда. Штатда олдиндан эвакуация ишларининг режали амалга оширилганлиги сабабли табиий офат натижасида қурбон бўлганлар йўқ.

● Кўпчилик севиб томоша қиладиган «Симпсонлар» мультсериалининг қаҳрамонларидан бири Хомер Симпсон ўн йиллиқнинг файласуфи, деган нома эришди.

Обуна — 2006

ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНИГИЗ БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ

У ҲАР ҲАФТАДА БЕШ МАРОТАБА ХОНАДОНИНГИЗГА КИРИБ БОРАДИ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Журналдан, Сиз севиб мутлола қиладиган «Тошкент оқшом» газетасига ҳам 2006 йил учун обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг мушта-

рийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча нашрлар қатори бизнинг «Оқшом» тахририяти аъзолари ҳам ўз ихлос-мандларининг тақлифи ва истақларидан келиб чиқиб, келгуси йилда газетани янада ўқимшлироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. «Оқшом» газеталари 2006 йилдан бошлаб янги-янги руқлар остида ранг-баранг мавзудagi мақолаларни

ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, Сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфирқ ва маслаҳатгўй бўлиб келган севибли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563. Йиллик нашр баҳоси 30.780 сўм қилиб белгиланган.

Фармон ва ижро

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Маълумки, ҳозирги бир-бирини такрор этмайдиган дунёвий воқеа-ҳодисалар ҳар бир жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, фуқаролар қуддалик турмуш тарзига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаётганига гувоҳимиз. Шу мақсадда кейинги йилларда Президентимиз раҳнаомлигида мамлакатимиздаги мавжуд тизимларда ислохотлар юритилиб, ҳар бир соҳа фаолиятига таянч вазифасини ўтайдиган ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг жорий йил мобайнида хотин-қизларнинг фаоллигини кучайтириш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимида янгича бурилиш, таъбир жоиз бўлса, инсонпарварлик ғояларига содиқлик руҳияти билан уйғунлашган — ўлим жазосини бекор этиш тўғрисидаги икки Фармони ана шу адолатли ислохотларнинг энг эътиборли далилларида десак муболага қилмаган бўлаемиз.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам юқоридаги икки Фармоннинг мазмун-моҳияти атрофича таҳ-

лил этилди. Унда Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги мутасадди ходимлари, участка профилактика нозирлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова, Шайхонтоҳур тумани ҳокими Адҳам Жумабоев, Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг масъул ходими Аббор Бердиевлар Юртбошимизнинг мазкур Фармонлари ҳуқуқий

демократик тамойилларга асосланиб янги жамият қурилатгани ҳозирги масъулиятли даврда айтиш мумкин эканлиги, кенг жамоатчилик ҳошиш-истакларининг ижобати бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Негаки хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги жамият ҳаётининг ажралмас бўлаги сифатида миллат генофондида, умуммиллатиётга ўзининг ижобий таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Шу боис, Фармоннинг турли бандларида кўрсатиб ўтилган талабларни жамоатчиликка кенгроқ сингдириш лозим. Шунинг баробарида ўлим жазосининг 2008 йил 1 январидан эътиборан бекор этилиши мустақил миллий давлатчилигимизнинг суд-ҳуқуқ тизимидаги улкан ютуғи сифатида баҳоланмоқда. Гап шундаки, олий жазо турининг узоқ муддатли озоқликдан маҳрум этиш билан алмаштирилиши миллий кадриятларимизга ҳамда умумэтироф этилган халқаро меъёрлар, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талабларига тўлиқ жавоб беради.

Йиғилишда шунингдек ҳар иккала масала юзасидан тегишли вазифалар белгиланганлиги олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Бозор ва харидор

САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҚАМЛАЙДИ

Тадбиркорларимизга очилган кенг йўл, яратилган қулай шарт-шароитлар боис ҳам кейинги йилларда юртимизда қайта ишлаш, "Ўзбекистонда тайёрланган" ёрлиғи билан ички бозоримизни ташминлаш ҳамда шунинг баробарида жажон андозалари даражасига кўтариб, ана шундай маҳсулотларимизни хорижий давлатларга экспорт қилиш имкониятлари яратилмоқда.

Жорий йилда ўз фаолиятини бошлаган "NAFIS OLAM" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам ўзимиздаги доворив ўсимлик — наъматакдан бир неча турдаги сифатли, хушхўр, шифобахш маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Энг асосийси эса бундай маҳсулотлар бозор ва харидор талаби асосида ишлаб чиқарилиб, сифати ва нархи билан аҳоли эҳтиёжини қондираётганидир.

— Юртимиз иқтисодиёти раванкида муносиб ўринга эга бўлган, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшаётган, — дейди жамият бошқаруви раиси Равшан Исохонов, — фақат ўзигина эмас, халқини ҳам бой қилишга астойдил бел боғлаган тadbиркорларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон республикаси Президентининг тadbиркорларни қўллаб-қувватлашга доир бир қатор Фармонлари ва Қарори биз каби эндигина иш бошлаган ишлаб чиқарувчилар фаолиятини ривожига жуда катта аҳамият касб этади. Уларда кўзда тутилган имтиёз ва ҳуқуқий қафолатлар олдимизда учрайдиган ҳар қандай тўсиқлар, ғовларни енгишга, ишлаб чиқариш ҳажминини ортириш йўлида изланишларимизни эркин давом эттиришга ундамоқда.

Сихат-саломатлик йилида иш бошлаган мазкур корхона жамоасининг 8 нафар ишчи-хизматчилари ўзимизда тайёрланган дастгоҳ ва ускуналар орқали тоғ наъматагидан 3 турдаги сифатли маҳсулотлар — чой, сараланган наъматак ҳамда данаги ажратилган шифобахш ўсимлик меваларини қайта ишлашни йўлга қўйишди.

— Халқ табобатида неча асрлардан буюн кенг қўлланилиб келинаётган наъматак ўзининг қатор



шифобахш фазилатлари билан алоҳида ажралиб туради, — сўзида давом этади корхона раҳбари. — Шу боис ҳам бугунги кунда юртимизнинг тоғли

худудларидан келтириб, қайта ишлов бериш йўли билан тайёрланган маҳсулотларимиз пойтахтликларни мамнун қилмоқда. Наъматак инсоннинг иммунитетини кучайтиради, модда алмашинуви яхшилайди, шамоллаганда организмни қувватлантиради, айниқса қандли диабет билан касалланганларга ҳам асқотиши билан эътиборга молик.

Маҳсулотлар 50 граммли чиройли, бежирим қутчаларда кадоқланиб дорихона ва савдо дўконларида сотилмоқда. Жамоа аҳли сифатга алоҳида эътибор қаратишган. Чунки бугунги рақобат кучли бўлган бозор шароитида сифатга интильган харидорини йўқотмайди, буюртмалар соғи ортиб бораверади.

Корхона тadbиркорларининг келгусига режаланган юмушлари улкан. Албатта изланиш, интилиш, янгилик яратиш муваффақиятларга асос



бўлишини улар дилдан ҳис қилишади.

"Интиланга — толе ёр" деб доно халқимиз бежиз айтмайди. Келгусида аҳоли саломатлигини мустақамлашда ўрни бўлган дармондориларга бой юртимиз заминидан бўшқа кўплаб неъматлардан ишлаш йўли билан янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш эзгу мақсадлари бўлган жамият аъзолари ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: "NAFIS OLAM" масъулияти чекланган жамиятининг тadbиркор раҳбари Равшан Исахонов Нодира Исахонова билан маҳсулотларнинг даяини хусусида суҳбатлашмоқда; корхона менежери Камола Ғуломов ўз касбига астойдил меҳр қўйган ёшлар сирасига кириди.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Иқтисодиёт

"FARIK"НИНГ ЭҲТИЁЖТАЛАБ ПАРДАЛАРИ

Дераза ойналари учун энг замонавий ва ўзига хос кўринишни ўзида муҳассамлаштирган пардалар, бу жалюзиялардир. Улар кўриниши, ранги, шакли билан бир-бирдан ажралиб туради. Уй, офис, идора биноларини безаб турувчи бундай пардалар асосан ёғоч, алюминий, пластик ашёлардан тайёрланади.

Бугунги кунда "Farik" масъулияти чекланган жамиятида ана шундай барчанинг дидига мос дарпардалар ишлаб чиқарилмоқда. Ўз фаолиятини 1997 йилда бошлаган ушбу жамият асосан дераза, эшик, дарпарда, ойна каби бир неча турдаги маҳсулотларни аҳоли буюртмаси асосида тайёрлаб, ички бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдирмоқда.

Шунингдек, фирмага мебель винтлари ва бурама винтлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Бу ерда тайёрланаётган замонавий ойнаванд эшикларнинг ташқи кўриниши ва сифати кўпчилик харидорлар эътиборини қозона олган. Шу ўринда ташқи шовқинни тўтиб қолувчи ойнаванд эшикларнинг ўзига хослиги ҳам корхона буюртмачилари сонининг ошишига туртки бўлгани сир эмас.

АСОСИЙ ЭЪТИБОР СИФАТГА

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган "Мирсазава" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси томонидан 60 хилдан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Асосан электр ускуналар ишлаб чиқариш билан фаолият бошлаган корхона бугунги кунга келиб турли товуш кучайтиргичлар, электрон соатлар, ёритиш ускуналари, қўшимча телевизион ускуналар, компакт диск ускуналари каби маҳсулотларни ҳам ишлаб чиқармоқда.

Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг барчаси сертификатланган бўлиб, замонавий технологиялар ёрдамида тайёрланади.

Бугунги кунда корхона мутахассисларининг асосий нияти хорижикидан асло қолишмайдиган, ташқи бозорда ҳам хариддорлар электрон ускуналарини ишлаб чиқаришдир. Шуниси аҳамиятлики, корхона ишчи-хизматчилари 90 фоиз маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришдилар. Ишонамизки, "Мирсазава" чиларнинг тинмай изланишлари боис улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар албатта дунё юзини кўради.

Озода РИХСИЕВА

Юртимизда бугунги кунда замон талабидан келиб чиққан ҳолда янги-янги корхоналар ташкил этилмоқдаки бу маҳсулот турларининг ошишига ва четдан келтирилатган маҳсулот экспорти ҳажмининг камайишига олиб келади. Бунёдкорлик кундан-кунга ривожланиб бораётган бир даврда албатта, қурилиш ашёларига эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Шунга кўра ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам талаб пайдо бўлди. Бинобарин, шаҳримиздаги «Диск Инвест» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси ҳам ана шу мақсадда ўз фаолиятини бошлаган эди.

Қўшма корхоналарда

КУЛАЙ ВА ЧИДАМЛИ МАҲСУЛОТЛАР

2003 йил июль ойида иш бошлаган ушбу қўшма корхона ишчи-хизматчиларининг изланувчанлиги ва чет эллик ҳамкорларнинг саъй-ҳаракатлари сабаб юртимиз ички бозори сифатли металл черепицалар билан тўлдирилди ва четдан қурилиш ашёларини келтириш бирмунча камайди, десак хато қилмаган бўлаемиз.

Шуниси аҳамиятлики, мутахассисларнинг маълумотларига кўра корхонанинг 30 турдан ошiq маҳсулотлари ички бозоримизнинг 74 фоизини эгаллашга улгурди. Айни кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сифатли, чидамли, қулай деб таърифласак ҳеч ҳам янгилимаган бўлаемиз. Биринчи навбатда сифат, иккинчидан маҳсулот ҳажмининг ўсиши ва буюртмага жавобгарлик, учинчиси жиддий маркетинг талабларига мувофиқ, иш юритаётган корхона жамоаси аъзолари ушбу тамойилларнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини яхши билишади.

Айни пайтда корхона цехларига Финляндия «SINTECH» компаниясининг юқори сифатли замонавий техник линиялари ўрнатилган. Шундан ҳам кўриниб турибдики, корхонада тайёрланаётган металл черепицаларнинг сифати бошқалардан алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, корхонанинг яна бир ютуғи шундаки, айни пайтда бу ерда биринчи даражали мутахассислар фаолият кўрсатишади.

Корхонанинг молиявий сиёсати моҳиятига кўра олинган фойда биринчи навбатда хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар айни пайтда республиканинг барча қурилиш ташкилотлари томонидан буюртма асосида сотиб олинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, корхонада ишлаб автоматлаштирилган техникалар асосида бошқарилади. Ракамларга тўхталадиган бўлсак, ўтган йили корхонада 3 минг тоннадан ортиқ металл черепицалар ишлаб чиқарилган.

Хозирда турли хил рангдаги металл черепицалар ишлаб чиқарилаётган корхона маҳсулотларига 50 йил қафолат берилади. Маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган маҳсулотлар шартнома асосида Қозғистон, Тожикистон, Афғонистон давлатларига ҳам экспорт қилинади.

Орзугул РУСТАМОВА

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича мажмуа йиғилишида асосий эътибор ижтимоий ҳимоя, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги дастурий вазифалар бажарилишига моддий замин бўлган иқтисодий соҳалардаги эришилган натижаларга қаратилди.

Ҳисобот даврида иқтисодийнинг асосий тармоқларида изчил ўсишга эришилди, истиқболли кўрсаткичлар, шу жумладан бюджетга тушувлар бўйича режалар таъминланди. Жумладан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 19,4 фоизга, халқ истеъмоли моллари — 21 фоизга, инвестициялар — 22,6 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми — 14,4 фоизга ошгани кузатилди.

Давлат бюджетига тушувлар миқдори кўзланган кўрсаткичларга нисбатан 5,1

миллиард сўмга, маҳаллий бюджетга эса 3,8 миллиард сўмга кўп бўлди.

Шу билан бирга, таҳлилларга қараганда, айрим тармоқларда сурункали ҳолатларнинг олди олинмаётгани аниқланди. Хусусан, sanoatда умумий баркарорликка эришилган бўлсада, ammo ҳисобот ойларида sanoat корхоналарининг 38 фоизда ишлаб чиқариш ҳажми пасайган, бу эса 36 миллиард сўмни ташкил қилди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳам суст олиб борилаётди. Чунончи, 13 та корхона бу борадаги мажбуриятларини 26 лойиҳа бўйича бажармаган. Бундан ташқари, ҳисобот даври мобайнида корхоналарнинг 24 миллиард сўмлик мамонадини қоплашга эришилганига қарамадан, 84 корхона 27 миллиард сўмлик зарар билан чиққан.

Ҳўжалик субъектларининг мuddати ўтган қарздорлиги 11,1 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, мuddати ўтган кредитор қарздорлик юқоридаги кўрсаткичдан 4,5 баробар ошган.

Бундай вазият юзасида келинганда асосий сабаблардан бири этиб бозор иқтисодиётининг оддий талаблари бажарилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Хусусан, айрим ҳўжалик субъектлари-

нинг шартномавий мажбуриятларга масъулиятсиз ёндошуви ўзaro ҳисоб-китобларнинг вақтида таъминланмаслигига олиб келмоқда. Бу борада жойлардаги пул-кредит комиссиялари фаолияти ҳам қониқарсиз деб топилди.

Юзага келган бундай ҳолатлар айрим солиқ тўловлари бўйича тушувларга салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, акциз солиғининг ҳажми 2,1 миллиард сўмга пасайгани кузатилди. Ўз навбатида, 14 ҳўжалик субъекти томонидан меҳнат жамоаси олдидаги мажбуриятлар ҳам бажарилмаган. 1 ок-

келмоқда.

Шу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда йиғилишда пудратчи ташкилотларни танлаш ҳамда мактаб объектларини жиҳозлаш бўйича тендер комиссияси таркибига Халқ таълими бош бошқармаси мутасаддиларини жалб этиш зарурлиги таъкидланди, бундан ташқари, мазкур соҳа раҳбарларига капитал таъмирланган ва реконструкция қилинган мактабларнинг моддий-техник фондиди қаслаш юзасидан доимий назорат ўрнатиш лозимлигига ҳам ургу берилди.

Йиғилишда айрим туман меъморларининг ноқонуний қурилмалар масаласи ечимдаги фаолияти танқид остига олинди. Бунга қуйидаги рақамлар исбот бўла олади. Махсус комиссия томонидан 343 объект таҳлил қилинганда, шундан 24 таси ноқонуний деб топилган, 121 тасига бузиш талаби қўйилган, 52 объект ҳолати суд даражасида қўриб чиқилмоқда.

Шунингдек, мажмуа йиғилишида қишга тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди. Шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси раҳбарияти маълумотига кўра, пойтахт ҳўжалигининг барча тузилмалари қиш мавсумига шайланган, қозонхоналар иш ҳолатига келтирилган, ёқилги маҳсулотларининг керакли миқдордаги захираси шаклланган. Совуқ кунлар келиши билан кўп қаватли уйлар иссиқлик билан ҳеч қандай муаммоларсиз таъминланади.

Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича мажмуа йиғилишининг кун тартибиде аёлларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллаштириш, аҳолининг тиббий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида ёшлар орасида тиббий қўрикнинг зарурияти хусусидаги масалалар кўтарилди.

Жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича мажмуанинг ҳисобот йиғилишида асосий мавзу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида нодавлат ва но-тижорат ташкилотларнинг ўрнига ба-ғишланди.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА

МАЖМУАЛАР САРҲИСОБИ

Шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий йилнинг январь-октябрь ойларидаги ҳолати юзасидан пойтахт мажмуалар кесимида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

тябрь ҳолатига қайд этилган корхоналарнинг ойлик маоши бўйича ишчи ва хизматчиларга бўлган қарздорлиги 3,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Ҳисобот даврида ижтимоий соҳага белгиланган барча ажратмалар таъминланди. Шундай бўлсада, **капитал қурилиш, коммунал ҳўжалиги ва ободонлаштириш масалалари бўйича мажмуанин**г йиғилишида таъкидлаб ўтилганидек, пудрат ишлари сифати, шу жумладан Мактаб таълимини ривожлантириш давлат Умумий дастурида белгиланган вазифалар бўйича ҳам паст бўлиб қолмоқда. Маълум бўлишича, аксарият қурилиш ташкилотлари ўз имкониятларини ҳисобга олганда ҳолда мажбуриятлар олмоқда, бу эса табиий равишда объектларнинг вақтида топширилишига салбий таъсир кўрсатаётди. Бу борада асосий сабаблар дея шуниндек, тендер савдоларига расмийлаштирилган ёндошуш бўлиб, қурилиш соҳасининг малакали мутахассисларидан эмас, балки кўнгиллилардан иборат шаклланган пудрат ташкилотлари иш-тирок этаётгани кўрсатиб ўтилди. Бу эса қурилиш ва таъмирлаш ишларининг, аynиқса таълим объектларида сифатсиз амалга оширилишига олиб

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур тумани бўлими “Маҳалла умидлари” маркази билан ҳамкорликда “Эски шаҳар” деб номланган тadbир ишлаб чиқиб, “Қатта бог”, “Сузуқ ота”, “Эшонгузар”, “Янги шаҳар”, “Гулбозор”, “Зангиота” маҳалласида қатор тadbирлар ўтказмоқда.

“МАҲАЛЛА УМИДЛАРИ” ЁШЛАР ОРАСИДА

— Тadbир давомида маҳалла болалари ўртасида “Ҳуқуқбузарлик, диний экстремизм ва жиноятчиликнинг олдини олиш” мавзусида суҳбат ўтказилди, — деди “Маҳалла умидлари” маркази раиси Шаҳноза Умархўжаева. — Мулоқот чоғида ўсмирлар дунёвий ва диний билимларни англашга, экстремизмнинг асл моҳиятини билиб олишга қаратилган қўлланма ҳамда китобчалар билан таништирилди. Айниқса, ички ишлар идоралари рўйхатида турвучи тарбияси оғир болаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунини айтиб ўтиш лозимки, эски шаҳарда тугилиб ўсган машҳур инсонлар билан бўлган учрашувлар, уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақидаги ҳикоялари ёшларда қатта таассурот қолдирапти. Маҳалла тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи “Тарихсиз келажак йўқ” деб номланган давра суҳбатлари жонли ва қизиқarli кечаётганлиги сабабли ёшларни ўзига жалб қилапти. Уларни юрт тарихи, миллий меросни ўрганишга, Ватанга меҳрли бўлишга ундаётди.

“Эски шаҳар” соврини учун шахмат-шашка, футбол, волейбол, теннис ва спортнинг бошқа турлари бўйича ўтаётган мусобақаларда эса ўсмир ёшлар фаол иштирок этмоқда.

Туман ёшларининг ташаббуси ва ҳамкор ташкилотлар кўмағида ҳар ойда йил якунига қадар “Менинг кўчам, менинг маҳаллам” номли тadbир ўтказилди.

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ЎҚУВИ

Тошкентда халқaro ижтимоий ҳуқуқ бўйича Биринчи Марказий Осиё ўқув семинари бошланди. Тadbир Халқaro Қизил Ярим Ой кўмитаси, Ўзбекистон Ташқи ишлар ва олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Халқaro Қизил Ярим Ой кўмитасининг ўрта Осиё бўйича вакиллиги раҳбари Рафазл Мюллернинг маълум қилишича, семинарнинг 39 нафар тингловчиси Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон университетларининг 200 нафар ўқитувчи талабалари орасида танлаб олинди. Семинардан кўзда тутилган мақсад эса талабаларга академик билим беришни ривожлантириш, ёш мутахассисларда халқaro ижтимоий ҳуқуқ нормаларини амалиётда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш, Женева конвенциясини унга киритилган қўшимчалар билан биргаликда ўргатишдан иборатдир. Маълумки, Женева конвенциясини ўрганиш ва унга амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу конвенция халқaro шартнома

ҳисобланиб, дунёнинг деярли барча давлатларини бирлаштирган.

Семинар бир ҳафта давом этиб, унда Франция, Россия, Англиянинг етакчи мутахассислари, Халқaro Қизил Ярим Ой кўмитасининг экспертлари маъруза қилади. Р. Мюллер жанобларининг сўзига қараганда шунга ўхшаш ўқув машғулотлари Марказий Осиё республикаларида ҳар йили ўтказиб турилиши режалаштирилмоқда.

Маълумот учун айтиш лозимки, Халқaro Қизил Ярим Ой кўмитасининг ваколатхонаси Тошкентда 1993 йилда очилган бўлиб, Ўзбекистон ҳукумати ва мазкур халқaro ташкилот ўртасида 2001 йилда ҳамкорлик ҳақида Келишув имзоланган.

Хусан СУЛАЙМОНОВ,
“Туркистон-пресс”

Маълум

БАДИЙ АДАБИЁТ ДАРСЛАРИ

Республика нафис санъат лицейи педагогик жамоаси яхши ташаббус билан чиқди. Бу ерда таҳсил олиб, бадий адабиёт билан қизиқаётган ёш ижодкорлар учун қўшимча дарс машғулотлари ўтказишга киришилди.

Бундай хайрли ишга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов яқиндан бош қўшди. Эндиликда бадий адабиёт дарслари бу танқидли адиб раҳбарлигида ташкил этилмоқда. Ўтказилган дастлабки машғулотларда ёзувчи адабиёт ҳақидаги фикрларини баён этди. Бундан ташқари адиб ўз ижодий йўли мисолида асарга мавзу танлаш, уни бадий ёритиш, ёзувчи маҳорати хусусида ҳам ёш истеъодларга қизиқarli маълумотлар берди.

ОЛИМА НОМИДАГИ СТИПЕНДИЯ

Республикамиздаги йирик олий ўқув юртиларда номдор стипендияларни олиб ўқиётган толиби илмлар аниқгина. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети илмий кенгаши профессор Мазлума Асқарова номидаги стипендияни таъсис этди.

Кекса педагог ва толмас тадқиқотчи М.Асқарова йирик тилшунос олима сифатида республикамизда яхши танилган. Унинг ўзбек тилшунослигига оид қатор монографиялари фан ривожига муҳим аҳамият касб этди. Яратган дарслик ва ўқув қўлланмалари фойдали адабиётлар бўлиб хизмат қилмоқда.

Малакали мутахассиснинг кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамда кенг қўлмали илмий фаолиятини тақдирлаб, университетда унинг номида махсус стипендия жорий қилинди. Ҳозир бундай имтиёздан бир неча иқтидорли ёшлар баҳраманд бўлишаётди.

ЙИРИК ЎҚУВ МАСКАНИ

Бозор кўникмаларини ривожлантириш республика маркази йирик таълимий даргоҳга айланиб қолди. Бу ерда қўллаб тadbиркор ва ишбилармонлар ўз билим ва малакаларини ошириб бизнес соҳасидаги кўникмаларини ҳосил қилишмоқда.

Унинг ўқув-техник негизи давр талаблари асосида намунали жиҳозланган. Бу ерда теле ва радио студиялари, мўъжаз басмохона ҳам ишлаб турибди. Ўқув машғулотларини олиб бориш учун қўллаб ўқитувчи-тренинг ва экспертлар жалб этилган.

Марказнинг халқaro алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Меҳнат халқaro ташкилоти лойиҳаси бўйича “Ўз бизнесини бошла ва тақомиллаштири” деган иланиш амалга оширилди. Бундан ташқари, “Марказий Осиёда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш”, “Тadbиркорлиқни ривожлантириш” йўналишларидаги тadbиротлар устида ҳам иш олиб борилди.

Абкар АЛИЕВ

Шаҳар газеталари ҳақида билдирилган бу фикр биз учун, албатта, гурулдидир, зеро қилаётган ҳаракатларимиз бесамар бўлмаётган экан, демак буни том маънода фаолиятимизга берилган баҳо деб қабул қиламиз.

Ҳа, «Оқшом» инсонлар кўнглидан жой олиб, дўст, ҳамфир, маслакдош ва суҳбатдош бўла олаётган экан, газетхонларнинг ишончини оқлашга эришибмиз. Ижодкор учун бунданга юксак баҳо бўлмайди.

Балки, мактовлар оғушида бўлиб, сўз бошиданок асосий мавзудан бироз четлангандай туюлган бўлиши мумкин, лекин Учтепа тумани фаолларининг «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси билан ижодий учрашуви шу каби тадбирлардан фарқли ўлароқ ўзгача кўтаринки руҳда ўтди ва бунга албатта дастлабки билдирилган фикр туртки бўлди десак муболага бўлмайди.

— Мамлакатимизда оламшумул ўзгаришлар рўй бермоқда. Буларни айниқса азим шаҳримиз мисолида кўришимиз мумкин, — деди «Ўрикзор» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раёно Турсунхўжаева. — Лекин агарда оммавий ахборот воситалари бўлмаса, бу ҳақда қаердан ҳам билган бўлар эдик. Жойига чиқиб барпо этилган янги-янги иншоотлар билан бево-сита танишиш имконияти йўқ, бунга жисмонан улгура олмайдки киши. Қолаверса, иш, уй юмушларидан ортти қийин. Кечки пайтларда эса бир-икки соат вақт топиб, «Оқшом» саҳифаларини варақлар экансиз, кўз олдин-гизда шаҳримиздаги барча воқеалару янгиликлар гавдалангандай бўлади. Маҳаллада ҳам, оиламизда ҳам «Оқшом» билан дўст каби гаплашамиз, фикрлашамиз. Шахсан мени «Тошкент оқшоми» зериктирмайди, тезкор оммавий ахборот воситаси сифатида бу газета орқали дунёқарашимни кенгайтириб бораман. Бу шунчаки баландлар-воз гаплар эмас. Тўғри, барча мавзуларни қамраб олиш қийин, лекин асосийлари — кундалик ташвишларимиз хусусида бўлади-ми, шаҳар ҳўжалигининг долзарб муаммоларими, менинг назаримда, газетада мунтазам ёритиб борилади. Таклифим — газета саҳифалари имкон қадар кўпайтирилса, яхши бўлар эди.

Маъруф АЛИМАХСУМОВ,
16-мусика мактаби директори:
— Шаҳар газеталарининг илк сонлари-дан бошлаб унинг муҳлисман. 1966-70 йилларда «Оқшом»ни Марказий универсал дўкони олдидаги газета дўкончасидан олиб ўқирдим. Ўша пайтларда менга мижоз сифатида киоскчи аёл атайин «Оқшом» ва «Вечерка»ни олиб кўяр эди. Демокчиманки, орадан шунча йил ўтган бўлса ҳам, ҳануз бу газеталарни севиб мутолаа қиламан, қолаверса «Оқшом» туфайли газеталарни бир-биридан фарқлаш ва бир-бирига таққослаш борасида тажриба ҳам ортирдим. Танлашга келганда эса, албатта, шубҳасиз, «Оқшом»ни оламан...

Вақти-вақти билан газетанинг баъзи сонларида захматкаш инсонлар ҳақида лавҳалар берилади. Улар орасида ўзимга яхши таниш бўлганлар ҳам учрайди. Бундан севинаман. Лекин айрим пайтларда хайратга тушаман: нахотки бу инсоннинг шундай фаълиятлари борлигини билмаган бўлсам... Газетада билдирилаётган ҳаттоки шахсий фикр ҳам оммавий түп олиши мумкин. Шунинг учун айниқса кўпчиликка нотаниш кишилар хусусида гап борганда, уларнинг атрофидаги дўсту биродарлари, танишларининг фикри ҳам ўрганилса, янада ўринлироқ бўлар эди.

Бугунги кунда нафақат «Оқшом», балки барча газеталарнинг нархи баланд. Бозор иқтисодиёти шароити шунга тақозо этмоқда, қолаверса асосий хомашё ҳорижий валюта ҳисобига келтирилиши ҳам яхши маълум. Шундай бўлса-да, тахриратий ўз таъсисчилари билан келишган ҳолда доимий муштариолари ҳисобланган ўқувчилар, аниқроғи мактабларга имтиёзли равишда обуна уюш-

триб берса қани эди?

Дарҳақиқат, аксарият учрашувларда имтиёзли обуна хусусида кўп бор айтиб ўтилди ва ўрни келганда шунга таъкидлаб ўтмоқчимизки, кейинги икки йил давомида тахририят Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар учун ҳамда кам таъминланган оилаларга ўз ҳисобидан обуна уюштиришни анъанага айлантирмоқда. Бундай молиявий имкониятларга реклама бўлимининг самарали фаолияти туфайли эришилаётир. Шу боис газетхонларни бир нарсадан хабардор этмоқчимизки, обуна ҳажми қанча кўп бўлса, газета саҳифаларида ўз реклама ва эълонлари билан иштирок этувчилар сони ҳам шунча кўпайиб бораверади. Зеро, газетани ўқиётган, масалан, 10 минг киши ўз-ўзидан унинг саҳифаларидаги рекламага ҳам кўз ташлаб ўтиши шубҳасиз.

Бу сафарги учрашувни ёритишда бироз анъанани бузгандек бўлдик, яъни ҳар сафар гапни мезбонлардан бошлардик. Шундай экан, Учтепа тумани ҳақида сўз юритсак-да, кейин газетхонларимиз фикр-мулоҳазаларини давом эттирсак.

Учтепа туманига нисбатан аҳоли орасида ҳам, мутахассислар тилида ҳам «спальный» — «ётоқхона» ибораси қабул қилинган. Сабаби — шаҳардаги аксарият туманлардан фарқли равишда бу ерда саноат тармоғи унча кенг ривожланмаган. Аммо бу билан Учтепанинг салоҳияти асло кўзга ташланмайди демокчи эмасмиз. Туманининг ўзига хос ривожланиш йўналишлари, ўзига яраша кўз-кўз қиладиган имкониятлари бор. У ҳам бўлса биринчи галда инсоний ресурслар устуворлигидир.

2815 гектар майдондан иборат ҳудудда истиқомат қилувчи 227,4 минг кишининг 70 фоизи иш ва ўқиш билан банд десак адашмай-миз.

Туманда 53 та маҳалла мавжуд бўлса, умумий турар жой фонди 3439 квадрат метрга тенгдир. Туманининг иқтисодий салоҳиятини 15дан зиёд саноат корхоналари, бир ярим мингдан кўп кичик бизнес субъектлари ташкил қилади. Мустақиллик йилларида барча соҳалар қаторида иқтисодиётнинг саноат тармоғида чуқур ислохотлар амалга оширилди. Жалб этилган хорижий инвестициялар эвазига корхоналарга замонавий дастгоҳлар, юқори технологиялар киритилиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди.

Шундай истиқболли корхоналардан бири Туркиянинг «Седат-текстиль», «Чаглайан» ҳамда «Атлантик» фирмалари билан ҳамкорликда 2002 йилнинг бошида ташкил этилган «Шайхонтоҳур-текстиль» қўшма корхонасидир. Болалар, аёллар ва эркеклар трикотаж кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бу корхона лойиҳа бўйича йилига 8 миллион АҚШ долларига тенг 2,5 миллион дона маҳсулот чиқариш қувватини амалда исботламоқда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлигининг 425 миллион сўм миқдоридagi кредит маблағлари ҳисобига 500 нафар Учтепа туманининг ўғил-қизлари шу корхонада фаолият юритмоқда. «Шайхонтоҳур-текстиль» фаолиятининг дастлабки қўнлариданоқ «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси билан катта ҳажмдаги маҳсулотларини экспорт қилган бўлса, бугунги кунда унинг де-

ярли 90 фоиз тайёр кийимлари Европа давлатларига сотилмоқда.

2004 йилда туманда жойлашган «Тошсут» корхонасининг 62 фоиз акциялари Россиянинг донғи кетган «Вим Бил Дан» компанияси томонидан сотиб олинди, бу эса 70 миллион сўмга тенг маблағ киритилганидан далолатдир. Эндиликда бу ерда маҳаллий хом ашё асосида сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Бошқа яна бир йирик лойиҳа — бу низоом жамғармаси 8,5 миллион еврои ташкил этган «Фарҳодтекс» қўшма корхонаси бўлади. Швейцария-Туркия билан ҳамкорликдаги бу корхона

расига эга бўлди.

— Шу жумладан бизнинг «Бекобод» маҳалла-ламизда ҳам замонавий гузар қад ростлади ва унинг таркибидаги бир нечта хоналар маҳалла фаоллари фаолиятини юритиш учун берилди, — дейди фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Убайдуллаев. — 1966 йилдан буён маҳалла идораси том маънода йўлакда жойлашган эди. Эндиликда туман ҳокимлиги саёй-ҳаракатлари туфайли барча шарт-шароитлари муҳайё бўлган жойда хотиржам, бемалол иш юритмоқдамиз. Йиғинлар ўтказишга, меҳмонларни қутлишга, алоҳида ҳаримиз бор... Ўзим оқсоқоллик яқинда йилландим. Ил-

алар тарихи, бугунги кундаги фаолиятлари хусусида маълумотлар бериб бориш мумкин. Машҳур инсонлар ҳаётига ҳаммининг қизиқиши табиий. Бугунги ўзбек актёрлари, спортчилари билан «Оқшом» саҳифаларида учрашувлар ўтказилса ҳам бўлади. Табобат оламида туркум мақолалар чоп этилса де-гандик. Масалан, буюк ҳаким Абу Али ибн Сино китобларида барча хасталикларга даво бўладиган табиат инъомлари берилган. Шулардан бемалол фойдаланиш ўринлидир.

Алишер ТЎХТАХЎЖАЕВ,
«А.Соғуний» номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

рали йўл ахтариш талаб этилади. Масалан, сенсация — оламшумул хабарларни ҳаёти-миз ичидан ҳам олиш мумкин. Бундай ахборот кетидан «кейинги сонда давоми бор» деган маълумот бериб берилса, газетага қизиқиш янада орттири турган гап.

Тўртинчи ҳокимиятнинг имкониятлари ҳам ҳокимиятқиқдек бўлиши лозим эканлигини оммавий ахборот воситалари ҳар доим ҳам намоён эта олмаётдилар. Бунга объектив ва субъектив сабаблар бўлиши мумкин, лекин бу борадаги ҳаракатларни бироз кескинлаштиришнинг вақти келди чоғи.

Эльмира БОСИТХОНОВА,

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиникаси бош шифокори:

— Газетани қарийб 40 йилдан бери ўқиб бораман ва энг сеvimли газетам десам муболага бўлмайди. Шунга яраша «Тошкент оқшоми» газетаси ҳақида алоҳида фикрларим бор. Ўшбу газета 1966 йилнинг биринчи июлида — айнан долзарб вақтда чиқа бошлаганини жасоратта тенглаштириш мумкин, чунки ўша пайтда ҳаммининг фикри-зиқри зилзила оқибатларини бартараф этиш билан банд эди. Ўшанда мен саккиз ёшда эдим, бола бўлсам-да, ўйлаиб қолгандим: газета «Тошкент оқшоми» деб аталибдими, демак, аҳоли уни ишдан чарчаб келган пайтда дам олиш учун ўқилиши керак, эканда деган ҳаёлга борганман. Айтмоқчиманки, муболагасиз, ўша юксак ном газетанинг мазмуну ва кўринишида ҳануз сақланиб қоляпти. Бугунги кунда ҳам бу анъаналарни давом эттириш лозим. Ҳозирги кунда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 700 дан зиёд босма нашрлар бор. Лекин, афсуски, уларнинг кўпчилигини ўз ўрнида топган газета дейишга оғринаман. «Тошкент оқшоми»нинг эса ўзига яраша обрўси бор. Қолаверса, унинг ҳар бир саҳифасининг ўз ва-зифалари бор ва улар яхши амалга оширилмоқда, дейишга ҳақлиман. Расмий ва тезкор хабарлар, қўш саҳифалар, охириги бетлардаги кўнгли ёзиш учун «Кулгихона», «Зийрак бобо шаҳар кезади», «Оила даврасида» қабила-р жой-жойига қўйилган. «Вечерний Ташкент» саҳифалари ҳам ранг-баранг. Баъзи русча-ўзбек тилидаги газеталар айнан бир хил воқеа ёки хабарларни такрорлайди. Лекин бундан шаҳар газеталари истисно. Яна бир таклифим бор: газета саҳифаларида ободонлаштиришга оид та-

ҳокимлик томонидан битум, рубероид каби қурилиш материаллари келтирилиб, уйларнинг том қисми, атрофлари бутунлай янгиланмоқда. Қуз пайти келиши билан худудларини тозалашга яна мактаб ўқувчилари жалб этила бошлади. Яшаб турган уйимиз, ҳовлиларимизни четдан болалар келиб тозалаш биз учун уят эмасми? Ахир маҳалла-ламизда 1980 та хонадон бор... Газета орқали шу фикрларим билдирилса, қўни-қўшниларимиз ўйлаиб қолармиди, бундан менинг ҳам кўнглим бироз таскин толган бўларди.

Собит ИМОНОВ,
«Кўкча-Оқтепа» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Газетанинг биринчи бетидagi «Қиска сатрлар» шайдосиман ва ҳар доим Учтепа сўзини қидириб, туманимиздаги кеча, бугун, эртанги хабарлардан воқиф бўлиб тураман.

Туманда 53 та маҳалла бор. Кунда-кунора ҳар бирда тадбирлар бўлиб туради. Уларнинг мунтазам ёритилиши учун туманларга алоҳида мухбирлар бириктирилса, яхши бўларди...

Дилдора ЗОКИРОВА,
123-мактаб директори:

— «Оқшом»ни жамоамиз билан доимий ўқиб борамиз. Бошқа газеталар ичидa энг шиддаткор ва тезкор ҳисобланади. Шу билан бирга илтимосимиз ва таклифимиз ҳам бор эдики, таълим тизимидаги мутахассислар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб бори-лса. Ўқувчилар ўз фикрлари билан газета саҳифаларида чиқишлар қилсалар. Бундан ташқари, мактабимизда иқтидорли ўқувчилар кўп. Уларнинг турли мавзулардаги мазмунли фикр-мулоҳазалари ҳам шу газета саҳифа-ларида чоп этилса, биз, устозлар, жуда хурсанд бўлар эдик. Келгусида ҳам газета билан му-стаҳкам алоқа ўрнатиш ниятидамиз.

Азиза ГИЁСОВА,
туман хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Кишиларнинг дунёқараши, маданияти ва маънавиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг, жумладан газетанинг ўрни катта. Истагимиз, «Оқшом» газеталари ижодкорлари миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз хусусида кўпроқ бахслар уюштирса. Хусусан, ўзбек аёлининг ибоси, ҳаёси, нафислиги, болажонлиги билан гўзал эканлиги ҳақида публицистик мақолалар бериб берилса ҳам кўпчиликка маъ-кул бўларди, деб ўйлаймиз. «Тошкент оқшоми» газетаси бундан кейин ҳам ҳақиқатнинг ёрқин тимсоли бўлишини, инсонларнинг оғирини енгил қилишини истаб қоламиз...

Кўриб турганингиздек, Учтепа тумани фаоллари билан учрашув хилма-хил фикрлар, ҳаттоки танқидий қарашларга бой бўлди. Газетхонларимизнинг барча эътироф ва эътирозларини инобатга олиб, «Оқшом» билан диллашув, «Жамоатчи мухбирларимиз хабар беради» каби рухларни ташкил этишга қарор қилдик. Бундан ташқари, янги 2006 йилдан бошлаб «Оқшом» пойтахтимизнинг ҳар бир туманига бағишлаг алоҳида рангли сон чиқаришни режалаштирди. Унда энг намунали маҳалла, ширкат, кўча, корхона-ташкilotлар мисолида туман ютуқлари акс эттирилади ва албатта туманининг энг фаол кишилари хусусида гап боради.

Хотима ўрнида мазкур учрашувни ташкил этишда бевосита ёрдам берган Учтепа тумани ҳокимлигига, унда қимматли вақтларини ажратиб иштирок этган халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари, маҳалла фаолларига миннатдорчилик билдириб қоламиз. Биз билан 136-53-10, 133-29-09, 136-54-19 телефонлари орқали доимо мулоқотда бўлишингизни истаб қоламиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА,
Гулчеҳра ДУРДИЕВА,
СУРАТЛАРДА: «Оқшом» ижодий ходимлари билан учрашув ҳамда туман ҳаётидан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

«Оқшом» газеталари — 2006 йилда ДЎСТИМ, ҲАМРОҲИМ, СУҲБАТДОШИМ МЕНИНГ «ОҚШОМ»ИМ



йилига 4090 тонна пахта толасини тайёрлаб, 2880 тонна сурп матосини ишлаб чиқариш қувватига эга. Лойиҳа бўйича инвестиция қиймати 16,7 миллион еврои ташкил этади.

Агарда туманининг аниқ иқтисодий кўрсаткичларига эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг биринчи ярмида саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 7,8 миллиард сўмга, халқ истеъмоли моллари ҳажми — 7,1 миллиард сўмга тенг бўлди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ушбу кўрсаткичларнинг мувофиқ равишда 15 ва 14 фоизга ўсиши кузатилди. Туманининг ташқи савдо айланмаси эса 22,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида туманда кўплаб ижтимоий аҳамиятага эга объектлар фойдаланишга топширилди, жумладан 44, 62 ва 296-мактаблар янги ўқув йилини Мактаб таълимини ривожлантириш давлат Умуммиллий дастури доирасида капитал таъмирланиб, янги синф хоналари ва замонавий ўқув-курал ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳолда бошлади. Чилонзор даҳасининг 13-мавзесида янги болалар спорт мажмуаси ўз фаолиятини бошлади. Бундан ташқари, учта маҳалла ниҳоят ўз идо-

гарилари газетанинг шўнчалик кучи борлигини ҳеч ўйламаган эканман. Қарангки, Мустақил-лигимизнинг 14 йиллиги арафасида шаҳри-миздаги 474 та маҳалладан биттасида шу иншоот фойдаланишга топширилганини кўпчилик билибди. Бу билан дўст-биродарларим табирикланди. Қаердан билдингиз деган саволимга эса «Оқшом»да ўқидик, катта суратли репортаж берилган экан, деб жавоб қайтаришди. Кишиларнинг хайрия йўлидаги арзимас ишини катта қилиб оммага етказишга ҳаракат қилишнинг ўзи савобдир. Бунинг учун тахри-риятга ҳам, мухбирларга ҳам раҳмат деймиз. Ўз навбатида, маҳалламиз билан «Оқшом»нинг доимий муҳлиси бўлиб қолишни ният қилдик...

Илҳом ТУРСУЛОВ,
туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи:

— Кейинги пайтда «Оқшом» саҳифалари-да «Кулгихона» руқни ташкил этилгани яхши бўлди. Лекин бу борада имкониятлардан янада кенгрок фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Газетхон қизиқишини сўндирмас-лик учун шу каби янги-янги руқлар доимо очилиб турилиши лозим, деб ўйлайман. Ма-салан, спорт ишқибозлари учун турли жамо-

— Бугунги кунда коммунал хизмати кўрса-тиш масалалари давлат сиёсати даража-сига кўтарилган, бу борада кўп ижобий иш-лар қилинмоқда. Шунга яраша, жумладан, на-мунали уй-жойлар сафи кўпаймоқда. Демак, кўпчиликка ўрнатилган ёки тахриба тарикасида илгор маҳаллалар ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти газетада кенг ёритил-са дегандим.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳақиқатдан ҳам вақти-вақти билан руқлар янгила-ниб турилса, жўшқин ҳаётимизга ҳамоханглик янада ортар эди. Агарда яна ўша коммунал соҳасига қайтадиган бўлсак, бу борадаги Президентимиз Фармонлари ижроси, маз-кур меъёрий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда ушбу мав-зунинг ёритиб борилишини қанда қилмас-лик керак, бу эса муаммонинг долзарблиги-дан далолат бериб туради. Бу борада ма-ҳалла, ширкатларга берилаётган имконият-лар ҳақида ҳам кўпроқ мақолалар берилса яхши бўларди.

Оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳам рақобат кучли бўлиб бормоқда. Демак, бундай шароитда доимий равишда сама-

нқидий-тахлилий чиқишлар кўпроқ бўлса.

Алла ШИШКИНА,
«Ватан» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Шу маҳаллага раис этиб сайланганим-га энди тўрт ой бўлди. Зиммамга юклатил-ган вазифанинг нечоғлиқ оғир эканини энди тушуниб етмоқдаман. Етакчилик қилиш, ўз ортидан кўпчилиқни эргаштиришнинг нақа-дар мураккаблигини фақат масъулиятни ҳис этган кишиларгина билади...

Шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан маҳаллаларга, уй-жой мулкдорлари ширкат-ларига ободонлаштириш, таъмирлаш иш-ларида ҳар томонлама ёрдам берилмоқда. Туман ҳокимлиги раҳбарлари шу хайрли иш-ларда бевосита бош-қош бўлаётгани мени айниқса хайратга солмоқда. Лекин, афсус-ки, оммани, яъни шу ерда истиқомат қилаёт-ган аҳолини ҳашар ишларига бirlaштириб фаоллаштириш қийин кечмоқда. Жони ачи-маган ўзганинг ишини ҳам қадрламайди, дейдилар. Қачонки биз ўз уйимиз, ўз кўча-миз, ўз маҳалламизни ўзимиз ҳар қуни са-ранжом-сарашта қилиб борсак, шунда пи-роварди мақсадга эришамиз.

Марбиз масканларида

БОЛАЛИКНИНГ ҚУВНОҚ
ПАЛЛАСИ

Халқимизда «Болалигим - подшолигим» деган ибора бежиз айтилмайди. Ҳақиқатан бегубор болалик дамлари қандай бахтиёр ва қувноқдир. Оиланинг мазмуни, қувночию бахти мана шу жажжи болажонлар билан мунаввар. Фарзандларимиз аввало оилада, шунингдек тарбия масканлари бўлмиш мактабгача таълим муассасасида ва мактабда таълим-тарбия олиб камолга етмоқдалар. Уларнинг ҳар томонлама билимли, ахлоқли бўлиб вояга етишида меҳрибон, ширинсўз ва жонқуяр мураббийларнинг ҳам ҳиссалари каттадир.

Юнусобод туманидаги «Қуёш» номли 301-максус соғломлаштириш мактабгача таълим муассасаси шахримиздаги энг файзли ва намунали тарбия масканларидан саналади. Мазкур мактабгача таълим муассасаси «Янги арик» маҳалласи ҳудудида жойлашган бўлиб, 1964 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Бу масканда аввало болажонларни соғломлаштиришга катта эътибор қаратилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Манзарали ва мевали дарахтлар билан бурканган ва турли хил анвойи гуллар очилган озода ва файзли ушбу масканга кириб борарканмиз, болажонларнинг қувноқ кулгулари ва қўшиқлари баралла эшитилиб турарди. Турли хил машғулотлар ва байрам тадбирлари ўтказилганидан катта зал болажон билан гажум бўлиб, кичкинтойлар мусика рақбари Наталля Бичик билан биргаликда янги қўшиқни машқ қилишмоқда эди. Ушбу машғулот тугагач болажонларга кўча ва йўл ҳаракати қондаларидан машғулот бошланди. Форма кийган кичкинтой болажон йўл ҳаракати бўйича мураббийлари ўргатган қондаларни бурролик билан қайтаришар, катта расмий плакатларга қараб тушултиришга ҳаракат қилишарди. Болажонларни кузата туриб, уларнинг ниҳоятда билан ва топикликлари, доноликларини қўриб қайратда қолдик. Бунда албатта уларга мана шундай таълим-тарбия бераётган жонқуяр мураббийларнинг ҳиссалари каттадир.

«Ёшликда олинган билим, тошга ўйилган нақш қабилидир» деган гап бор халқимизда. Болажонларга ёшлигидан пухта билим бериб, яхши одоб-ахлоқ қондалари сингдирилса, бола тез ўрганади. — дейди 301-мактабгача таълим муассасасининг мудири Мухтабар Олимтоева.

Шу болажонларнинг ҳар томонлама билимга эга бўлишлари учун турли хил ўйин машғулотлари, тадбирлар ҳар кун ўтказилади. Муассасамизда 6 та гуруҳ мавжуд бўлиб, юздан ортиқ бола бор. Болажонларга айниқса ёшлигидан кўча ва йўл ҳаракати қондаларини ўрга-

тиш зарур. Негаки ҳозирги кунда кўнчилиқ болажон йўл ҳаракатини билим-лиги оқибатида транспорт куп қатновчи кўчаларда турли кўнгилсизликлар келиб чиқмоқда. Шунинг учун катта гуруҳдаги болажонларни йўл ва транспорт ҳаракати қондалари билан таништириш, йўлчилик ҳақидаги билимларини кенгайтириш, транспорт турлари билан таништириш, кўча ва жамоат транспортларида юриш маданиятини шакллантириш бўйича турли хил машғулот ва тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бу йил туман бўйича ўтказилган «Яшил чироқ-2005» қўриқ-танловидан «Чоррақа макетлари» бўйича фахрли ўринни эгалаб, Юнусобод туман халқ таълими бўлими томонидан Мақтов ёрлиги билан тақдирландик. Шаҳримизда яқинда бўлиб ўтган йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлигида Тошкент шаҳар йўл патруль хизмати ходимлари билан ҳамкорликда муассасамизда «Йўл ҳаракати қондаларини билиш-санми?» мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбир болажонларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, кичкинтойларнинг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида турли хил тест саволлари ва услубий қўлланмалар асосида машғулотлар олиб борилади. Айниқса, болажонларни ҳалоллик, ростўйликка, меҳнатсеварликка ўргатиш, ота-онага ҳурмат, Ватанга меҳр-муҳаббат туғусини оширишга алоҳида аҳамият берилади. Муассасамизда болажон учун турли хил тадбирлар, машғулотларни қизиқарли ўтказишда услубчимиз Дилдора Содикованинг ҳиссаси катта. Шу билан бирга руҳшунс Гулнора Тождинова, нутқида нуқсонс бор болажонларга логопед тарбиячилар Д.Мансурова, З.Умаровалар катта ёрдам беришмоқда. Шунингдек, Д.Сайдалиева, М.Маҳмадова, Р.Исроилова, Д.Умарова сингари жонқуяр, меҳрибон тарбиячиларимиз-



дан ота-оналар ҳаммаша миннатдор.

Дарҳақиқат, болажон билан бирга бўлиш, уларнинг бегубор қалбига йўл топиш энг катта шараф. Шу кун болажоннинг қувноқ даражасида бўлиб бунга гувоҳ бўлдик. Гуё бахтиёр болаликка бир зум қайтгандек қизиларимиз нурафшон бўлди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: 301-максус соғломлаштириш мактабгача таълим муассасаси ҳаётидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Кейинги пайтларда ўзбек киносидида фильмлар ишлаш сони бир мўнча кўпайганини кузатиш мумкин. Кино ижодкорларнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари тудайли яратилган фильмларнинг мавзуси ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилиши томошабинларнинг қизиқшини ортирмоқда. Бу мамлакатимизда кино санъатининг кескин ривожланганлигидан далолатдир.

ЯНГИ ФИЛЬМ
ПРЕМЬЕРАСИ

Кино ижодкорларимиз томонидан навбатдаги «Ҳай» фильми яратилиб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Алишер Навоий номли кино саройида ушбу фильмининг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда фильмининг сценарий муаллифи таъкидлаш билан бир қатори режиссёр Ориф Йўлдошев, оператор Сўлтонмурод Тўхтамуродов ҳамда фильмда асосий ролларни ижро этган ижодкорлардан Мунаввар Абдуллаева, Улугбек Қодиров каби актёрлар билан бирга ёш истеъдод эгалари ҳам иштирок этишди. Фильм премьераси олдидан унинг яратилиш жараёни ҳақида режиссёр Ориф Йўлдошев жумладан шундай деди:

— «Ҳай» фильми драма жанрида бўлиб, унда асосан ёшлар ҳаёти ҳақида, уларнинг турмушида содир бўлиши мумкин бўлган иллатлардан бири қўриқ бўлиши ифода этилади. Фильмда ёшларнинг бузилиб кетаятган тарбияси ҳаётга яқин мисоллар тисмолида ифодаланган. Ўйлайманки, «Ҳай» фильмида ёшларимиз ўзларига керакли хулосалар чиқариб олишад.

Фильм сценарийи пухта воқеаларга бой. «Ҳай» фильмининг мазмунида инсонни туғри йўлдан адаштирувчи, уни қўриқ ва разолатга башловчи, ота-онасидан, яқин дўстларидан, ҳатто севган ёридан ҳам айирувчи қиморнинг жижиркан қўриқларини актёрлар тисмолида ҳаётга яқин актирилган. Фильм Алишер Навоий кино саройида намойиш этилмоқда.

Рустам ХАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

Ҳаракат хавфсизлиги йўлида

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ ҚИЛИНДИ

Тошкент шаҳар ИИББ Йўл-ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида ўтган жорий йилнинг 9 ойида қилинган ишлар сарҳисоб қилинди.

Тадбирчи ЙХБ бошлиғи, подполковник С.Исрибеков кириш сўзи билан очар экан, 2005 йилнинг ўтган 9 ойида ЙХБ ва ИТБ бригадаси шахсий таркиби томонидан амалга оширилган ишлар, йўл қўриқлар хато ва камчиликлари, уларни бартараф этиш чораларини қўриш ҳамда навбатдаги вазифаларни белгилаб олиш каби масалаларга тўхталиб ўтди.

Шунингдек, ўтган йил мобайнида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг шаҳар ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларини рўйхатга олиш, улардан фойдаланиш қондаларига риоя этилишини назоратга олиш, республикамиз ҳукуматининг ушбу масалаларни такомиллаштиришга қаратилган қарорлари ижросини таъминлаш борасида бир қатор ташкилий ва амалий ишлар амалга оширилиб, шаҳарни ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этганини ҳам эътироф этилди.

Айтиб ўтиш жоизки, — дейди маърузачи, — ўтган вақт давомида шаҳардаги автокорхоналарда комплекс текширувлар ўтказилиб, автохўжаликда транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ундан фойдаланиш тартиби, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолияти, ҳайдовчиларнинг транспорт интсозига риоя қилишлари бўйича комплекс текширувлар, суҳбат ва ўрашувлар ўтказилди.

Бундан ташқари фуқароларга тегишли автотранспорт воситаси йиллик техник қўриқдан ўтказилди, шаҳар йўлларида ҳаракатланиш такомиллаштирилди. Шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари билан ҳамкорликда йўл қатнов қисми таъмирланиб бир қатор йўллар янгила қўриқнига эга бўлиб ҳамда ҳар хил сатҳдаги ўтказкилар қўриб битказилиб пойтахт фуқаролари, меҳмонларига кенг қулайликлар яратиб берилди.

ИТХларнинг олдини олиш мавзусида мактаблар-

да 2532 маротаба, автокорхоналарда 3437 маротаба, маҳаллаларда эса 150 маротаба ўрашувлар ўтказилди.

Шунингдек, содир этилган ИТХлари юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бўйича суриштирув ва тергов ишлари олиб борилди. Йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, вояга жойдан яширинган 685 нафар ҳайдовчидан 623 таси ёки 91,8 фоизи фож этилди. Олиб қочилган 77 та транспорт воситасидан 56 таси ёки 72,7 фоизи, ўғирланган 17 та транспорт воситасидан 12 таси ёки 70,6 фоизи топилди.

Жорий йилнинг бошидан шахримизда Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги, «Дикқат, темир йўл!», «Тоза ҳаво» тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХБнинг кўрсатмаси ва Тошкент шаҳар ИИББнинг раҳбарияти томонидан тасдиқланган режага асосан Тошкент шаҳрида 2005 йилнинг 2 сентябрга қадар «Дикқат, бола!» тадбири ўтказилди.

Тадбир сўғида ЙХБ бўлим ва бўлимчаларига режадаги ишлар белгилаб берилиб, илгор чет эл тақрирларидан келиб чиққан ҳолда йўл ҳаракатини ташкил қилишда, чорраҳалардаги тирбандликнинг бартараф этишда ҳамда йўл ҳаракати қондаларини қўпол равишда бузаятган ҳайдовчиларни аниқлашда замонавий видеокамералар билан жиҳозланган ягона компьютер тизимига эга бўлган марказий диспетчерлик хизматини ташкил қилиш масаласи ҳам бўлаётганлиги, маъмурий жавобгарлик кодексига айрим ўзгартаришлар киритиш кераклиги ҳамда шахсий таркибининг хизмат қилиш шaroитини яхшилаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилиши, мавжуд камчиликлари бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш кераклиги тўғрисида тегишли тавсиялар берилди.

Қўзибой ЯНГАБАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Ташвиқот-тарғибот бўлими бошлиғи,
подполковник.
Шоира МУҲАМЕДОВА

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИЙ
ДОМО БУЛАДИ...

• Агар нону сув билан ичингни тўлдириб олсан юрагингга билим йўл тополмайди.

• Башар Хофий деди: «Агар очлик бозорда сотиладиган мато бўлса, оқил киши учун ундан яхшироқ сотиб оладиган нарсаси йўқ!»

• Бўзургмехр айтди:

— Ёмон хотин аввало, ўғрига, сўнг эса душманга ва ҳокимга ўхшайди. Унинг ўғрига ўхшагани шунинг учунки, у эр молига хиёнат қилади, алдаб, номуносиб ишларга ишлатади, эрининг илтифот билан қилган яхшиликларини назарга илмайди ва менсимай қарайди, фақат ўзи учун наф келтирадиган нарсаларга интилади. Унинг душманга ўхшаши шу жиҳатданки у душман каби эрига доимо қовоқ солади, чиройини очмайди, эрни менсимайди, доимо гина қилади, ҳар ишдан айб топиб, хафа қилади. Унинг ҳокимга ўхшаши шу вақтданки, эрни доимо ўз фармонига амал қилган ҳолда қўришни истайди, уни бўйсундиришга ҳаракат қилади, уни ҳақоратлашни яхши қўради, арзимас нарсаси учун унга қазабини сочади, эрнинг хафа ёки ҳушнудлигига парво қилмайди.

Яна айтди:

— Яхши хотинларнинг эрни иззат ва иқром қилиши шундайки, улар ўз эрларининг оиладаги қирим-чиқимиға рози бўладилар, етишмовчилик ва ғамлик қўнларда эрига итот қилмайдилар, кеча ва кундўз эр билан доимо мурооса ва мадорада маслаҳат билан кун ўтказадилар!

• Эй ўғил, шундай кишилар билан дўст тутинки, улар ҳеч қачон сенга хиёнат қилмасинлар. Бундан ташқари, оғирлик қўнларидида сени танҳо қолдирмасинлар. Молингга мағрур, камбағаллигинга ғамгин бўлма! Доно киши шундай кишики, бойликка маст бўлмайди, кулфатда хор бўлмайди.

• Қилинган насиҳат қабул шарафига мушарраф бўлмаса бунинг иллати кўпроқ насиҳатгўйнинг нўноқлигига боғлиқ. Чунки олим қомил бўлса, қилган вазъ-насиҳатнинг остида бирор ғарази бўлмаса, эшитувчининг қабулига муяссар бўлади.

Байт:

Насиҳатин таъсири
бўлмаса ҳеч кишига,
Таажубмас, дилида
ғарази бор кишининг.
Яхши камон бўлса-ю
камонгар уста бўлса,
Ўқи нишонга тегмай
қолмас зинҳор кишининг.

• Ҳикмат. Ҳар кимнинг феълү атворида нуқсон бўлса, унинг қилган вазъ-насиҳатини ҳеч ким қабул қилмайди.

Байт:

Сўзларингни
эшитмаса ҳеч кимса,
Бехудага чекма
жабру жафони.
Ўз нафсинга ўқи
аввал насихат,
Токи бузмай юрсин
аҳду вафони!

Саҳна

ХИТОЙ МИНИ-ТРАКТОРЛАРИ ТОШКЕНТДА

Мамлакатимиз машинасозлик саноатининг улкан марказларидан бирига айланган "Тошкент трактор заводи" акциядорлик жамиятининг халқаро алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Хитой Халқ Республикаси тракторсозлари билан ҳамкорлик ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Хитой машинасозлари томонидан яратилган мини-тракторларни бутлашда ҳам бу яқин алоқа қўл келди. Шу сабабли Хитойдан бу хил агрегатлар республикамизга қўллаб келтирила бошланди. Уларни бутлаш жараёни бир неча босқичда амалга оширилади. Бундай техник жараёни режа-и асосда йўлга қўйиш мақсадида трактор заводида алоҳида участка бунёд этилди. Биринчи босқичда бу ерда 650 та мини-трактор бутланди. Айни вақтда корхона конструкторлари ва технологлари изланишлари билан турли осма ҳижозлар намуналари юзга келди.

Бу техника ижодкорлиги республика кишлққ ҳўжалигини механизациялаштириш учун кенг йўл очиб беради. Хитой мини-тракторлариға бириктириладиған плуглар ҳам агрегатлар иш унумини оширишда қўл келди.

Мини-тракторлар 30 от кучи қувватига эға бўлиб, деҳқончиликда кенг қамровли ишларни амалға ошириш имконини беради. Тошкент трактор заводи конструктор ва технологлари Хитой машинасозлари тажрибасига таянган ҳолда ўзимизнинг мўъжаз тракторларимиз намунасини яратишға муваффақ бўлдилар.

Бу хил агрегат 30-40 от кучи қувватига эға бўлиб, фермер ҳўжалиқлариға жуда қўл келади. Янги агрегат давлат синовидан яхши ўтган, уларни қўллаб ишлаб чиқаришға киришилға.

Тошкент трактор заводи тақдим этган агрегат нўхсаси ўзининг дизайни ҳамда янги-ча осма ҳижозлари билан Хитой мини-тракторларидан фарқ қилади. Улардан тоқзорларда, цитрусли боғларда фойдаланиш мумкин.

Унча катта бўлмаган фермер ҳўжалиқларда ер ҳайдаш, деформация қилиш ишлари ҳам бажарилади. Шунингдек, гўза қатор ораларига ишлов беришда ҳам уларни қўллаш мумкин.

Бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида "Тошкент трактор заводи" акциядорлик жамияти Хитойдаги Тиньзин машинасозлик компанияси билан алоқа боғлади. Бу эса келгусида Хитой мини-тракторларини такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Анвар ВАЛИЕВ

Транспорт

ХАМ ҚУЛАЙ, ХАМ АРЗОН

Газдан транспорт ёқилгиси сифатида фойдаланишнинг иқтисодий самараси катта эканлигини Тошкентдаги Махсус тажриба автокорхонаси очик турдаги акциядорлик жамгармаси мисолида ҳам кўриш мумкин. 750 та енгил такси автомобилларига эға бўлган мазкур корхонада шу йилдан бошлаб газ ёқилгиси шохобчаси ишға тушди.

Бу эса "Газел" русумли машиналарға суўлтирилган газ ёрдамида ҳаракатланиш имконини берди. Бунинг ҳисобига ҳар ойда беш миллион сўм иқтисод қилинмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, суўлтирилган газ Қаршининг Шўртан газ заводида олиб келинмоқда. Ваҳоланки, бу хил ёқилгини бундан олдин Оренбург шаҳри корхонаси ётказиб берар эди.

Эндиликда бундай оворагарчиликка барҳам берилди.

Аҳмад АББОСОВ

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессияси доирасида мазкур ташкилотнинг бошқарув ва ҳукуматлараро органлариға сайловлар бўлиб ўтди.

ЮНЕСКО САЙЛОВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий ўзгаришлар бошқаруви» дастурининг ҳукуматлараро кенгаши ҳамда ўшбу халқаро ташкилотнинг Ҳуқуқ қўмитасига сайланди.

Ўзбекистон шунингдек, Бош конференциянинг Маданий масалалар бўйича комиссияси вице-президенти этиб сайланди. Мазкур комиссия йиғилишида ЮНЕСКОнинг маданий соҳасидаги 2006-2007 йил дастурлари ва бюджети ҳамда Маданий ранг-баранглик

бўйича конвенцияси муҳокама қилинди.

Ташки алоқалар бўйича комиссия йиғилишида 2006-2007 йиллар учун юбилей саналарини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди. ЮНЕСКО йилномаси саналари рўйхатиға Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик, ва Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик айёмларининг киритилиши барча мамлакатлар делегациялари томонидан қўллаб-қувватланди.

«Жаҳон» АА

Саҳна

ЖЎШҚИН ФАОЛИЯТ

Республикамизда фаолият кўрсатаётган немис маданияти маркази ўзининг ёшлар театр-студиясига ҳам эға. Бу санъат даргоҳи ташкил топганиға беш йил бўлди.

«Ёшлик юлдузи» деб номланган мазкур театр-студия репертуари янги-янги сахна асарлари билан бойиб бормоқда. Унинг репертуаридан немис драматурглари билан бир қаторда ўзбек ёзувчиларининг ижод намуналари ҳам ўрин олган.

«Готманина» деб номланган янги спектакль ҳам томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди. Машҳур немис ёзувчиси Эрнст Гофманиннинг новеллалари асосида тайёрланган бу сахна асари таниқли режиссёр Андрей Слоним бошчилигида постановка қилинди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ 2005 ЙИЛ 14 ОКТЯБРДАГИ АЖРИМЛАРИГА АСОСАН ҚУЙИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ БАНКРОТ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИШГА ОИД ИШ ЮРИТИЛИБ, УЛАРГА НИСБАТАН ҚУЗАТУВ ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ.

Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатта олинган қарор санаси ва рақами		ОКПО	Хўжалик судининг ажрим рақами	Муваққат бошқарувчи	Банкротлик иши қўйилган кунда ва сотилган кўрилди.
BANNO СП	КК	202560279	03.06.1999	003045	17002581	10-0514/10554	Арибхўжаев Б.	09.11.05 14-00
СКИФ-И К СП	КК	201534413	27.10.1995	000284		10-0514/10555	Ходжимухамедова Д.	16.11.05 14-00
AVARIYA HOLATINI TIKLASH XIZMATI	ШК	203588051	05.04.2001	637	18029228	10-0514/10556	Арипов Ф.	16.11.05 14-20
NIGINAXON-ORZULARI MCHJ	МЧЖ	205366864	26.01.2005	000741-03	19881185	10-0514/10557	Норбаев Д.	16.11.05 14-40
KORPTP-SAVDO XF	ХФ	204726883	27.01.2004	000067-03	19285672	10-0514/10558	Ақромов А.	16.11.05 14-50

Кредиторларнинг йиғилиши 2005 йил 8 ноябрда соат 11-00да ўтказилади. Қузутовға оид ишлар қуйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23 а-й, 603-хона.

Банкротлик иши 2005 йил 9 ноябрда ва 11 ноябрда Тошкент шаҳар Хўжалик судида, Чўпон ота кўчаси, 6-й, 3-залида қўрилади.

«TOSHILOYATTRANSEKSPEDICIYA»
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
2005 йил 28 ноябрь куни соат 11.00да бўладиган йиғилишға таъсисчиларни таклиф этади.
КУН ТАРТИБИ

1. Жамият устав фондидаги тақсимланмаган улушни тақсимлаш.
2. Жамият устав фондини ўзгартириш.
3. Таъсис ҳужжатлариға ўзгартириш киритиш.
4. Жамиятнинг 2006 йилға тузилган бизнес-режасини тасдиқлаш.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Обводная кўчаси, 2-саноат зонаси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишға қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорлариға асосан давлат даромадиға ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади.

2005 йил 8 ноябрь кунида қуйидаги автомобилотранспорт воситасининг кимошди савдоси ўтказилади:

1. «Гранд Чероки» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 612 МХ 06, бошланғич нархи 5 300 000 сўм, техник соз.

2005 йил 28 ноябрь кунида қуйидаги автомобилотранспорт воситасининг кимошди савдоси ўтказилади:

1. «Нексия» автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 15 О 03-45, бошланғич нархи 3 000 000 сўм, техник соз-Хамза-270/4;

Кимошди савдоси соат 16.00да бўлади.

Савдода иштирок этишға ариза қабул қилиш ҳафтанин душанба, чоршанба, жума кунлари соат 12.00дан 18.00ға қадар ишчи гуруҳ вакиллари томонидан амалға оширилади ва кимошди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-й, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

Муҳфа аман

АВСТРАЛИЯЛИК ЖАРРОҲЛАРНИНГ АНТИҚА УСУЛИ

Австралия штатларидан бири— Янги Жанубий Уэльсда жаҳон бўйича аҳоли жон бошиға жарроҳлик операциялари амалға оширилади. Бу деган сўз штат аҳолисининг япписига саломатлиги бўш экан-да, деган маънони асло англатмайди. Шифокорлар гуруҳининг олиб борган тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, кейинги йилларда мамлакатнинг ана шу ҳудудида қўллаб жарроҳлар номутаносиб равишда фаолият олиб бормоқда. Уларнинг ҳар бири иш ҳақи топишға интилиб, беморларға улар операция қилинишға зарурат сезмаган ҳолларда ҳам жарроҳлик столиға ётишни таклиф этадилар. Масалан, Сидней шаҳридаги битта касалхонанинг ўзида кўричак бўйича қилинган 200 та операциядан 128 тасини амалға ошириш чиндан ҳам зарур эди, қолган 72 ҳолда эса беморларнинг мутлақо соғлом эканликлари аниқланган.

ҒАЛАТИ МУСОБАҚА

Бомбей мактабининг юқори синф ўқувчилари ўртасида ғалати мусобақа ўтказилди. Мусобақа қатнашчилари икки сонияда шёр бита олишлари керак эди. Уларға шёрнинг мавзуси ва мазмунини билдирувчи биттадан сўз айтилди. Фақат беш ўқувчигина бу ишнинг уддасидан чиқа олди. Мусобақа ҳақамларининг узоқ тортишувидан сўнг ўн беш ёшли Нигвар-Кауль Трибансар голиб деб топилди. Ҳиндистон тарихиға бағишланган унинг қисқа шёри энг яхши бадий асар деб тан олинди. Тез фикрлай олгани ҳамда шёр битишдаги устакорлиги учун Нигвар-Кауль бронза медали билан мукофотланди, деб ёзади "Хиндустан таймс" газетаси.

ҚАРМОҚ БЎЛМАГАНДА

Перулик балиқчиларнинг "Меркурио" кемаси ҳалокатта учраб, матрослар Фулхенсио Наварро ва Карлос Линаслар оғир вазиятда қолишди. Ичимлик суви биринчи галдаги муаммо эди. Уч дона қармоқ бўлмаганда, ким биларди, нима уларнинг жонига оро кирарди? Қармоқлар ёрдамида улар балиқ овлашиб, ичимлик шарбати олишди. Орадан ўн бир кун ўтгандан сўнггина уларни уруғвайликлар кутқариб қолишди, деб хабар беради Олмониянинг "Гамбургер агентлат" журнали.

АЖОЙИБ КУНЛАРНИНГ БИРИДА...

Лас-плумас шаҳри марказий майдонида иккита дўконча пайдо бўлди. Дўконларда тиш дозаловчи пасталар савдоға чиқарилганди. Сотувчи пасталарни ноёблиги-ю бир ювишда тишларни садафдек ялтираши ҳақида оғиз кўпиртириб мактанарди. Полициячи Эмилио Гонсалес ҳам пасталарни жонжон деб харид қилди. Оғиз кўпиртирганларидек, икки кунгача тишлар садафдек ярқираб турди, учинчи кундан бошлаб эса қорая бошлади. Бу пайтга келиб дўконлар ҳам, сотувчи ҳам гойиб бўлган эди. Испаниянинг "Панс" газетасининг таъкидлашича, айбдорларни қидиришда Э.Гонсалес жонбозлик кўрсатмоқда.

Спорт

АНЪАНА
БУЗИЛМАДИ

Мамлакатимизда аёллар футболни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан мамлакат чемпионати ва Кубоги баҳслари мунтазам ташкил этилиб, кучли жамоалар, моҳир футболчилар номлари маълум бўлмоқда.

Андижоннинг «Андижанка» ҳамда Қаршиннинг «Севинч» жамоалари ҳозирда мамлакатимиздаги энг кучли аёллар футбол жамоаларидан саналади. Жумладан, ўтган йилги мавсумда «Севинч» Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган бўлса, «Андижанка»нинг биллур соҳрин соҳиблигига эришганлиги ҳам фикримиз далилидир. Қизиғи шундаки, ушбу мавсумда «Андижанка» мамлакат чемпиони сифатида зафар қучди. Ҳўш, «Севинч» ўз навбатида Кубок соҳиби бўладими, деган савол ишқибозларни ўйлантириб келарди.

Кеча «Қиёра» спорт мажмуаси стадионида «Севинч» ва «Андижанка» командалари ўртасида ўтказилган Ўзбекистон Кубогининг финал баҳси ушбу саволга жавоб бериши лозим эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кучлари бири-бирига тенг ҳар иккала жамоа финалга чиққанда қадар барча рақибларини йирик ҳисобларда енгиб келди. Жумладан, «Андижанка» Тошкентнинг «Олимпик» командасини 7:0, Бухоронинг «Ёшлик»ини 4:0, ярим финалда эса Зарафшоннинг «Строитель» жамоасини 5:0 ҳисобида енгган ҳолда ҳал қилувчи баҳсга йўлланма олган бўлса, «Севинч» командаси кўрсатган натижалар бундан ҳам юқори бўлди. Ушбу команда «Ёшлик» (Бухоро) устидан 11:0, «Олимпик» (Тошкент) устидан 7:0 ҳамда «ТерДУ-Сурхон» (Термиз) талабалар жамоасидан 2:0 ҳисобида устун келган ҳолда финалга чиқди.

Кубок финаллари доимо кескин ва муросасиз баҳслар остида ўтади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Юқорида таъкидланганидек, анъана бузилганидек, анъана бузилмади. «Севинч» жамоаси андижонлик рақибларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратгани ҳолда мамлакат Кубогининг бу йилги соҳиби бўлди.

Мақолага нуқта қўйишдан олдин аёллар футбол илхосмандларига яна бир хушхабарни айтиб ўтаемиз. Мамлакатимиз терма жамоаси аёллар ўртасида Таиланда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(Ўз мухбиримиз)

Қўли гул хунармандларимизнинг, айниқса миллий чолғу асбоблари ясовчи усталарнинг бир-бирини такрорламайдиган, санъат даражасига етказиб ишланган маҳсулотлари фақат санъатсевар ҳамюртларимизнигина эмас, кўплаб хорижликларни ҳам мафтун қилиб келмоқда.

СУРАТДА: Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошидаги устахонада 32 йилдан ортиқ вақтдан буён самарали меҳнат қилиб келаётган уста хунарманд Саидамин Исахонов ҳар бир чолғу асбобини алоҳида меҳр билан ясайди.

Наталья Семёнова олган сурат.



Ҳаётим

САБЗИНИНГ ЯНА БИР ХОСИЯТИ

Сабзи — сабзавот экинлари турига қиради. У деярли кундалик таомларда ишлатилсада, шифобахшлик хусусиятларини кўпчилик яхши билмайди. Шу боисдан куйида сабзи хосияти ҳақида сўз юритамиз.

Маълумки, сабзининг ёввойи ва экиладиган (устриладиған) турлари мавжуд. Унинг ёввойи тури ейилмайдиган, ингичка бўлиб, ўқ илдизи билан хонақисидан фарқланади. Ватани — Ўрта Ер денгизи мамлакатларидир.

Табобатда ёввойи сабзининг фақат меваси, баъзан эса уруғи қўлланилади. Меваси таркибида эфир мойи, ёғ, флавоноидлар ва ўн бир хил микроэлементлар мавжуд. Уруғи ичак оғриқларини босади, кучли пешов ҳайдаш хосияти бор.

Шуниси диққатга сазоворки, ёввойи сабзи уруғининг суюқ экстракти «Уролесан» таркибига қиради. «Уролесан» янги доривор препарат саналади. У буйрук-тош ва ўт-тош хасталигида, тузли диатез, ўткир ва сурункали пиелонефрит, холецистит, холангит, гепатит каби касалликларни тузатишга яхши самара беради. Кишилар истеъмол қиладиган сабзининг эса илдиз меваси, барги ва меваси ишлатилади. Халқ тиббиётида сабзи азалдан рақ касаллигига шифо сифатида ишлатилиб келинган. Буни қарангки, замонавий тиббиёт унинг бу хосиятини тасдиқлади. Матбуот хабарига қўра, Кобе шаҳридаги Япония соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муниципалитет илмий-тадқиқот институтининг бир гуруҳ олимлари ўтказган тажрибалар натижаси сабзи таркибида ёмон ишларнинг ўзрўйи кетишини тўхтатидаган моддалар борлигини ҳам кўрсатди.

Шифохонадаги синовлар вақтида институт ходимлари кемирувчи ҳайвонларга овқат билан биргаликда рақ ишлари қўзғайдиган канцероген моддаларини бериб қўришди. Айни вақтда бу ҳайвонларга одатда одамлар истеъмол қиладиган сабзавотларнинг ўн илҳидан (иш жумладан сабзи) тайёрланган шарбатлар берилганида сабзавот шарбатлари ҳам ноҳуш жараёнларнинг

пайдо бўлишига анчагина тўқсинлик қилиши аниқланди.

Экиладиган сабзининг илдиз меваси ҳаёт учун зарур бўлган витаминлар — В₁, В₂, РР, С, К, каротинлар, фитоен, ликопин, антоцианидин, қандлар, ферментларни сақлайди. Мева таркибида эфир мойи, ёғ, флавоноидлар, баргида эса витамин В₃, С, каротинлар борлиги аниқланган.

Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино сабзи илдиз мевасини ичак оғриғи, сурункали йўтал ва плеврит хасталиқларига даво қилган. Сабзининг саримсоқ ва зайтун билан қўшиб пиширилгани қоринда сув йиғилишида яхши наф келтиради. Илдиз мевасидан ажратиб олинган шира ёки сутда қайнатилгани овоз чиқмай қўлиш, буйрак тош, авитаминоз (организмда витамин етишмаслиғи), камқонликда, кўз қўриш қобилияти сусайганда (хиралашганда), эпителий тўқимасининг дистрофик ўзгаришида, жигар каби хасталиқларда малҳамдир.

Тиббиётда сабзи уруғидан «Даукарин» препарати олинган. Бу дори спазмолитик таъсирга эга, тож томирларни кенгайтиради, стенокардия (қўрак қисилиш), парихотирликда, бронхит астамада қўлланилади. Янги сиқиб олинган шираси эса наҳорга 100-200 граммдан буйрак, ўт-тош хасталиқлари борларга буюрилади.

Бир стакан сабзининг янги шираси бир неча қошиқ асал билан аралаштирилади. Тайёрланган бу дори 4-5 маҳал бронхит, ларингит касалликларига истеъмол қилинади. Эрталабки ноҳушта болаларга олмз, қаймоқ ва бир стакан сув билан сабзи бериш уларнинг соғлигини мустаҳкамлашга катта ёрдам беради. Ҳа, сабзи витаминларга бой маҳсулот!

М.ҚОДИРОВ
тайёрлади

Мунажжим башорати

САФАРЛАР,
САЁХАТЛАР ХАЙРЛИ
БЎЛАДИ

27 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Ҳа, ҳар қандай сафарлар, шу жумладан, хизмат сафарлари, тури мақсадлардаги саёхатлар шу кунни хайрли бўлади. Туйғуларингиз нимага ундаса — шуни қилишингиз мумкин.

Бугунги кун ойнинг 24 ва 25-кунларини ўз ичига олади. Шунинг учун икки кун қонунятлари қучда бўлади. Чунонки, куннинг бошланғичи янги туркум ишларга киришиш учун қулай бўлади. Йирик савдо битимлари ҳамда катта бойликлар қўлга кирадиган кун. Агар қўлингизга пул тушса — ишонаверинг, яна пул олиб келиб беришди. Аммо қар-

зга пул бериш, пулни тушириб ёки йўқотиб қўйиш ноҳушлик белгиси бўлади.

Тушдан кейинги вақт эса қутилмаган воқеа-ҳодисаларга бой бўларкан. Тасодифий, аммо тез унутилиб кетадиган танишувлар рўй беради. Меҳмондорчиликка бориш, одамлар орасида кўпроқ бўлиш, тақдир ўйинларини енгил ва қувноқ ҳолда қўтиб олиш керак.

Мазкур пайшанба астрологик фони ҳам икки хил ҳолатда бўлади. Бир томондан, Юпитер, Плутон, Зухро, Ой ва Сатурн қувватларини бирлаштирувчи сеҳрли векторлар ўз маънавий камолоти устида жиддий иш олиб борувчи ҳамма инсонлар олдида чексиз имкониятларни очиб беради. Иккинчи томондан Ой сайёрасининг

узоқ вақт (соат 06.24 дан 14.29 гача) йўналишсиз ҳолатда бўлиши сукут сақлаш керак бўлган жойда ортиқча гапириб қўйиш хавфини туғдиради.

Мунажжим М. Смирнова таъкидига қўра, ҳаётингизда қандайдир ўзгаришлар қилишингиз, анчадан бери журъат этолмай юрган қадамни қўйиш хайрли бўлади. Саёхатларда бўлиш ёки сафарга йўл олиш ҳам яхшиликка бўлиши қутилиди. Бугун туғилган болалар серқирра қобилиятга эга бўлишади.

Бугун тақдирингиз турли белги ва аломатларига эътибор қилиш, айнисқа, соат, шамол ва хислар билан боғлиқ аломатларга эҳтиёт бўлиш керак.

Бу кеча қўриладиган тушлар башоратли бўлиб, тез орада ўннингизда содир бўлади ҳамда туғридан-туғри талқин этилади. Ерқин ва эсда қоладиган қўп туш

қўриш — яхшиликка.

Ичаклар заифлашган ҳолатда бўлиб, таомларни танлаб ейишга ҳаракат қилинг.

Кийимлардан кўзга ташланмайдиган ва ранги ўчганлари омадли бўлади. Қизил ва зарғалдоқ ранг либосларингизни чет-роққа суриб қўя туриг.

БУГУН:

— хизмат сафари ёки туристик саёхатларга йўл олиш;

— яхшилаб тўйиб ўхлаб, қувватингизни тиклаб олиш учун имконият топиш;

— безаклар, ўйинлар, дисклар ва бошқа ўзингизга ёққан майда-чўйдаларни харид қилиш;

— бирон ишингиз унча юришмаса — уни тарқ этиш; Жамхўрлик ва ғумонсирашлардан, жиддий хатти-ҳаракатлардан, сурункали хасталиқларингизга бепарволикдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Муассис:
Тошкент шаҳри
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тираж, офсет
усулида босилади.
2496 нускада босилади. Қўғат биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Наир кўрсаткичи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтанинг» — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбос акционерлик компанияси бошқаровига.
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.